

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА “ЮМШОҚ КУЧ”ДАН Фойдаланишнинг айрим жиҳатлари

Д. А. Мусаджанова

Федерал Давлат бюджети Олий таълим муассасаси “Илмий тадқиқот университети “Москва энергетика институти”нинг Тошкент шаҳридаги филиали катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон ташқи сиёсатида “юмшоқ куч”дан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари борасида сўз юритилиши билан бир қаторда “юмшоқ куч”нинг ишлатилиш соҳалари, ижобий ва салбий томонлари ҳақидаги муаллифлик фикрлари баён қилинган.

Аннотация: В данной статье наряду с обсуждением некоторых аспектов использования «мягкой силы» во внешней политике Узбекистана, приведены авторские мнения о сферах применения «мягкой силы», её положительных и отрицательных аспектах.

Annotation: This article discusses some aspects of the use of “soft power” in the foreign policy of Uzbekistan, as well as the author’s opinions on the areas of application of “soft power”, positive and negative aspects.

Калит сўзлар: Юмшоқ куч, делимитация, демаркация.

Бугунги халқаро сиёсат соҳасида “юмшоқ куч” атамаси оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, сиёсатшунослик ва жамоатчилик билан алоқалар соҳасидаги турли мутахассисларнинг баёнотларида тез-тез учрай бошлади. “Юмшоқ куч” ибораси илк бор XX асрнинг 90 йилларида америкалик сиёсатшунос Жозеф Нейнинг “Етакчи бўлишга маҳкум. Америка кудратининг ўзгарувчан табиати” (*Bound to Lead: The Changing Nature of American Power*) асарида пайдо бўлган. Унинг фикрига кўра, бугунги кунда юмшоқ куч сиёсати дунёнинг етакчи давлатлари замонавий ташқи сиёсатининг муҳим омилларидан бирига айланиб улгурди. Кейинчалик эса, у мазкур фикрларни 2004 йилда чоп этилган “Юмшоқ куч: жаҳон сиёсатида муваффақиятга эришиш воситаси” (“*Soft*

Power: The Means to Success in World Politics”) китобида янада кенгрок ёритиб берган.

“Юмшоқ куч” (*soft power*) ёки “юмшоқ ҳокимият” – мажбурлашни англатадиган “қаттиқ куч”дан фарқли ўлароқ, ихтиёрий иштирок этиш, ёқимтойлик ва жозибадорлик асосида исталган натижаларга эришиш қобилиятини назарда тутадиган сиёсий усулдир.

Қадим замонлардан бери сиёсат юритишда, шу жумладан ташқи сиёсий фаолиятда ҳам муваффақиятга эришиш учун “қамчи” ва “ширинкулча” усулидан фойдаланиб келинган. Яъни “юмшоқ куч”, ихтиёрий ҳаракатларни маданий рағбатлантириш сиёсати сифатида ҳар доим “қаттиқ куч” билан ёнма-ён қўлланилган, аммо у ўзининг услуги ва ранг-баранглиги билан тубдан фарқ қилган.

Манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, Рим файласуфи Цицерон таъкидлаганидек: “Инсон кадр-қимматини энг юқори даражага кўтариши мумкин бўлган иккита фаолият тури мавжуд: қўмондонлик ёки таниқли нотикликдир. Биринчиси душман таҳдидини қайтарса, иккинчиси мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлайди. Давлатнинг том маънодаги гуллаб-яшнаши учун “қилич ва қалам иттифоқи” зарур”¹, эканлигини кўрсатиб ўтган эди.

Юмшоқ кучнинг асосий мазмуни давлатнинг ёки ташкилотнинг бошқа давлатлар ёки жамоалар олдидаги жозибасини, қадриятларини, маданиятини ва сиёсатини жорий қилиш билан боғлиқ. Бу куч орқали жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш, халқаро ҳамкорликка эришиш ёки манфаатли алоқалар ўрнатишга эришилади.

Юмшоқ кучнинг асосий манбалари:

1. Маданият: Давлатнинг маданий жозибаси, адабиёт, кино, мусиқа ва анъаналар орқали таъсир ўтказиш. Масалан, Голливуд филмлари АҚШнинг маданияти ва қадриятларини кенг тарқатади.

¹ Цицерон Марк Туллий. «Речи». В 2-х т. т. I-II. Изд-во академии наук СССР, М., 1962. –С. 30

2. Сиёсий қадриятлар: Демократия, инсон ҳуқуқлари ва қонунийлик каби тамойиллар давлатнинг халқаро майдондаги обрўсини оширади.

3. Ташқи сиёсат: Давлатнинг бошқа давлатлар билан ҳамкорликка тайёрлиги, тинчликпарвар ташаббуслари ва гуманитар ёрдам кўрсатиш фаолиятида намоён бўлади.

Юмшоқ кучнинг **амалда қўлланилишига** келадиган бўлсак, булар:

Халқаро таълим: Ўқув визалари, университетлар ва халқаро талабалар учун таълим дастурлари;

Ташқи маданият алмашинуви: Маданий фестиваллар, спорт тадбирлари ва дипломатия орқали давлат обрўсини ошириш;

Оммавий ахборот воситалари: Телевидение, радио ва интернет орқали ахборот тарқатиш соҳаларидир.

Шу ўринда “Юмшоқ куч”нинг **афзалликларига** тўхтаб ўтиш лозим, яъни:

Ҳарбий кучга ёки иқтисодий санкцияларга нисбатан камроқ молиявий ва ижтимоий харажат талаб этади;

Тинчлик ва ўзаро тушунишни рағбатлантиради;

Давлатнинг халқаро обрўсини ошириб, узоқ муддатли манфаатларга хизмат қилади.

Аmmo “Юмшоқ куч” қуйидаги бир қатор **камчиликларга** ҳам эга:

Биринчидан, юмшоқ куч таъсирини ўлчаш қийин.

Иккинчидан, у ҳар доим ҳам тез натижа бермайди.

Учинчидан, ишончлилик йўқолса, таъсир кучсизланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиладиган бўлса, “Юмшоқ куч” (Soft Power) – бу қудратни қўлга киритиш ёки мақсадга эришиш учун ҳарбий куч ёки иқтисодий тазйиқ эмас, балки маданий, ахлоқий, сиёсий қадриятлар ва ўз таъсир доирасини жозибали шаклда кенгайтириш усулидир. Бу тушунча халқаро сиёсатда муҳим аҳамиятга эга ва давлатлар, ташкилотлар ҳамда ҳатто шахслар ўз манфаатларини ёйиш учун қўлланилади.

Юмшоқ куч – бу нафақат ихтиёрий ҳаракатлар учун имкониятлар ва имтиёзлар, балки эътиборни жалб қиладиган ва бошқа иштирокчилар томонидан

амалга ошириладиган институтлар, мезонлар ва қоидалар мажмуидир. Бундай мезонлар, институтлар ва тузилмалар юмшоқ кучнинг ажралмас яхлит тизимини ташкил этиб, улар асосан учта асосий манбаларга: *мамлакат маданияти ва унинг бошқалар учун жозибали томонлари; маълум бир мамлакатнинг ўзгалар томонидан қабул қилинган сиёсий қадриятлари тизими; легитим деб топилган ва ахлоқий қоидаларга асосланган ташқи сиёсат моделига* таянади.

Бугунги кунга келиб халқаро муносабатларнинг субъекти ҳисобланган деярли барча давлатлар “юмшоқ куч” сиёсатидан фойдаланишга интилиб келади. Аммо, уни ҳамма ҳам бир хилда ва самарали қўллай олмайди. Масалан, Portland-PR халқаро ташкилоти томонидан турли мамлакатларнинг “юмшоқ куч” факторидан фойдаланиши доимий равишда тадқиқ этиб борилиб, уларнинг рейтинги эълон қилинади. *The soft power index*² рейтингида фақатгина 30 та давлат қамраб олинган бўлиб, улар ўз ташқи сиёсатида “юмшоқ куч”дан у ёки бу шаклда самарали фойдаланиб келади.

Бизнинг мамлакатимиз хусусида эса, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда фаол ташқи сиёсат юргизиш, минтақавий ва глобал интеграция жараёнларида иштирок этиш тенденцияси кучайиб бормоқда. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар бандида: *Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига ҳолис ахборот етказиш* каби жиҳатлар мустаҳкамлаб қўйилиши мазкур соҳани нақадар долзарб эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-

² The soft power index. <https://softpower30.com/>

тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси” ҳамда бугунги кунда кенг муҳокама қилинаётган “Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш концепцияси” лойиҳаси каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда “юмшоқ куч” омилини қўллай олмоқдами ёки қўллаши учун нималарга эътибор бериши керак? деган саволларга жавоб бериш бугунги кунда долзарблигича қолмоқда. Мазкур ҳолатда бир нечта жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, масалан:

1. “Юмшоқ куч” сиёсатини қўлламоқчи бўлган иштирокчи энг аввало унинг географик чегараларини (глобал ёки минтақавий) белгилаб олиши лозим. Ўзбекистоннинг эндигина ривожланиш йўлига кирган мамлакат сифатида унинг “юмшоқ куч” макони албатта бу – Марказий Осиё минтақаси булиши муқаррар. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ҳамкорлик ва бирлаштирувчилик вазифаларини ўз зиммасига олиши зарур. Бунга, энг аввало, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг географик марказида жойлашганлиги ҳамда барча бешта давлат билан чегараларга эгаллиги каби омиллар асос бўлиб хизмат қилади. Эндиликда Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти олдида барча турдаги чегара муаммоларини ҳал этиш (делимитация ва демаркация) масалалари ҳам турибди. Келажакда эса, бевосита Ўзбекистон ташаббуси билан бошланган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари бу борада самарали восита бўлиши мумкин. Мазкур “маслаҳат учрашувлари”ни яқин келажакда том маънодаги интеграциявий уюшмага айлантириш нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун минтақанинг геосиёсий манфаатларига тўла мос келади.

2. Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда амалга ошираётган минтақавий ташқи сиёсатида Афғонистон фактори муҳим ўрин эгаллаётгани барчага маълум. 2018 йил март ойида Тошкент шаҳрида Афғонистон муаммоларига бағишланган “Тинчлик жараёни хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги халқаро конференция ташкил этилиши, 2019 йилнинг 7-10 август кунлари Тошкентда “Толибон” ҳаракати раҳбарияти билан муваффақиятли ўтган

музокаралар фикримиз далилидир. Мазкур сиёсий жараёнлар Афғонистон масаласига таалуқли Россия бошчилигидаги “Москва форматидаги” маслаҳатлашув ва Хитой ташаббуси билат тузилган “ШХТ+Афғонистон” мулоқот гуруҳига муқобил шаклдаги ўзбек дипломатиясининг ютуғи сифатида баҳолашимиз мумкин. Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш жараёнидаги фаол иштироки, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик³ унинг имиджига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда. Эндиликда эса Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, уни Марказий Осиё интеграциявий орбитасига тортишда бош ролни ўзига олиши лозим.

3. Маълумки, “юмшоқ куч” сиёсатида миллат ва тил фактори катта аҳамиятга эга. Биз ўзбек тили, унинг бой лексикологияси ва корпуси ҳақида кўп гапирармиз. Ҳозирда эса мазкур омилдан фойдаланиш даври келди. Статистик маълумотларга кўра ўзбеклар Афғонистонда 3 миллионга яқин, Тожикистонда 1,3 миллион, Қирғизистонда 918 мингдан зиёд, Қозоғистонда 576 минг, Туркменистонда 250 мингдан ортиқ нафарни ташкил этади. Ўзбек тили Ўзбекистон ва Афғонистонда расмий мақомга эга бўлса, минтақанинг бошқа давлатларида маҳаллий аҳамиятга эга.

Баъзи бир сабабларга кўра биз мазкур миллатдошларимиз билан алоқаларни узиб қўйдик. Бугун эса, улар билан маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзбек тилини ўрганиш ва кенгроқ тарғиб қилиш борасидаги ишларни кучайтириш зарур. Бу борада етакчи давлатлар тажрибасидан (масалан, Германиянинг Гёте институти, Франциянинг “Альянс Франсез”, Россиянинг “Русский мир” каби проектлари) унумли фойдаланиш лозим.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, “юмшоқ куч” воситалари ва сиёсий имидж бу, энг аввало, мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қобилиятининг бир қисми, жуда муҳим, лекин фақат бир қисми холос. Салоҳият эса фақат рамзий

³ 2017 йилда Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида афғон ёшлари таълим олишига мўлжалланган ўрта-махсус ўқув муассасаси фаолият бошлаган.

кўринишларда эмас, балки реал воқеъликда акс этиши лозим. Ўзбекистон “юмшок куч” асосида ўз минтақавий сиёсатини юритиши асосида, ички сиёсатида ҳам туб демократик ислохотларни амалга ошириши зарурати юзага чиқмоқда. Шу сабаб, республика ўз ижтимоий-сиёсий тизимида том маънодаги демократик кадриятларни жорий эта олсагина минтақавий етакчилик мақомига эришиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Цицерон Марк Туллий. «Речи». В 2-х т. т. I-II. Изд-во академии наук СССР, М., 1962. –С. 30.Макиавелли Никколо. «Государь» Изд-во «Астрель», М., 2002. – С.85.
2. Nye Jr. Joseph S. «Soft Power. The Means to Success in World Politics». First ed. New York: Public Affairs, 2004. p.2.
3. The soft power index. <https://softpower30.com/>